

Пойтахтимиздаги Халқаро бизнес марказида Япония ҳукуматининг кичик ҳажмдаги лойиҳаларга беғараз ёрдам кўрсатиш дастури доирасида ажратилган навбатдаги грантлар бўйича шартномалар имзоланди.

Умумий қиймати 237 минг АҚШ доллари ҳажмидаги грантлар Навоий вилоятидаги бир неча мактабни ўқув қуроллари ҳамда замонавий техника билан таъминлашга қаратилган.

Хужжатларга Япониянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Акио Кавато ҳамда гранта сазовор бўлган мактаблар директорлари имзо чекди.

(ЎЗА).



ОЛИМ БАҒИ

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 27 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ИШОНЧ


ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 20 декабр, жума №199 (1416)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ЎЗБЕКИСТОН-УКРАИНА:

# САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов тақдифига биноан, 19 декабр куни Украина Республикаси Президенти Леонид Кучма амалий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Ташриф «Дўрмон» қароргоҳида икки мамлакат раҳбарларининг юзма-юз суҳбати билан бошланди. Президентлар Ўзбекистон билан Украинанинг ўзаро алоқаларига доир долзарб масалалар, халқаро микёсдаги муаммолар юзасидан фикр алмашди.

Таъкидлаш жоизки, стратегик ҳамкорлар ҳисобланган мамлакатларимиз ўртасида турли даражадаги мулоқотлар мунтазам равишда ташкил этиб келинади. Ислам Каримов тўрт бор Украинага ташриф буюрган. Леонид Кучма эса учинчи марта Ўзбекистонда меҳмон бўляпти. Суҳбат чоғида ушбу ташрифлар ҳамкорликнинг истиқболдаги вазифаларини белгилаб олиш, муносабатларни ривожлантириш йўлидаги муҳим қадамлар бўлгани, Украина раҳбари билан бу гагли мулоқотлар эса аънанавий дўстлик, ўзаро манфаатдорлик, ишонч, ҳурмат ва тенглик асосида ривожланиб бораётган алоқаларимизга янги суръат бахш этиши таъкидланди.

Президентлар БМТ, ЕХТ каби халқаро ташкилотлар, МДХ доирасидаги ҳамкорлик, Афғонистондаги тикланиш ишларида баҳамжihat

қатнашиш ва муҳокама этилган бошқа масалалар борасида томонларнинг нуқтаи назари яқинлиги яна бир қарор ўз тасдиғини топганини, эндиги долзарб вазифа ана шу нуқтаи назарни ҳаётга кенгроқ таъбиқ этишдан иборатлигини таъкидлади.

Икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокараларида давлатлар раҳбарларининг суҳбатида кутарилган масалалар муҳокамаси-давом этди. Томонлар ўзаро савдо-иқтисодий алоқалар ривожидида сунъий сезилганини қайд этаркан, ҳамкорлик кўламини оширишга тўққонлик қилаётган сабабларни биргаликда бартараф қилиш зарурлигига эътибор қаратди.

Президентлар кўп томонлама ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Украина ҳукуматлари-ро кўшма комиссиясининг ишини яхшилаш зарурлигини таъкидлади. Хусусан, ўтган йили ўзаро савдо ҳажми 400 миллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса, бу йилги кўрсаткич ундан қарийб 90 миллион доллар кам бўлиши кутилмоқда.

Мамлакатимизда Украина билан ҳамкорликда ташкил этилган элликка яқин кўшма корхона бор. Бу миқдор ҳам имкониятлар даражасида

эмас. Кўшма комиссиясининг мажлислари аслида шу камчиликларни бартараф этишга қаратилиши керак. Лекин президентларнинг яқдллик билан таъкидлашича, сўнгги вақтда комиссия фаолиятида амалий самара кам бўлган. Ислам Каримов қарор қилиб, кўшма комиссия таркибини янгилашни тақдиф этди. Қелишувга биноан, январ ойида Киевда унинг навбатдаги мажлиси бўлади ва қатнашчилар муайян масалаларга аниқ ва фойдали ечим топиш билан жиддий шуғулланади.

Мамлакатимиз раҳбари Украина томонини Ўзбекистондаги кенг хусусийлаштириш жараёнида фаол қатнашишга чорлади. Айниқса, «Ўзбекнефтьга» миллий ҳолдинг компанияси, «Ўзавтотойў» концерни каби муассасалар томонидан эълон қилинаётган тендерларда қатнашиш украиналик ҳамкорларимиз учун жуда фойдали бўлиши аниқ.

Ислам Каримовнинг яна бир тақдифи Афғонистондаги тикланиш ишларида биргаликда иштирок этишдан иборат бўлди. Хусусан, йўлсозлик, кўприксолик каби соҳаларда ҳамкорлик самарали кечмиши шубҳа йўқ.

Транспорт коммуникацияси масаласи ҳам жуда долзарб. Ўзбекистон Қрим, Кавказ ва Болтиқбўйида денгиз портларидан фойдаланиш имкониятига эга. Лекин Украина бандагроҳлари янада

қулай ҳисобланади. Леонид Кучманинг таъкидлашича, мамлакат портлари имконият даражасида ишламаяпти, шундай эса-да, хизмат кўрсатиш учун нисбатан катта шартлар қўяди. Ваҳоланки, қелишув асосида муаммоларни осон ҳал этиш мумкин. Украина раҳбари музокара чоғидаёқ транспорт вазири Георгий Кирпага бу масалани жиддий ўрганиб чиқиш ва зудлик билан Ўзбекистонга қелишув ҳақида расмий хабар юборишни топширди.

Леонид Кучма Ўзбекистон Президенти томонидан билдирилган барча тақдифларни қўллаб-қувватлашни ва уларни рўёбга чиқаришнинг икки томон учун ҳам энг манфаатли йўлларини топиш вазифасини ҳукумат аъзолари ҳамда кўшма комиссия иштирокчиларига топшириш зарурлигини таъкидлади.

Ўзбекистон билан Украина илим-фан, техника ва технология, таълим, маданият соҳаларида ҳам фаол ҳамкорлик қилиб келади. Айни пайтда олимларимиз сейсмология, янги технологиялар яратиш каби кўплаб соҳаларда кўшма тадқиқотлар ўтказмоқда. Қадрлар тайёрлаш борасида ҳам яхши алоқа йўлга қўйилган. Маданий соҳага келсак, Леонид Кучманнинг бу гагли ташриф асосида пойтахтимизда украин халқининг атоқли шоири Тарас Шевченконинг хайкали очилди. Украина раҳба-

буюмларни буюртма асосида шу ердан харид қилмоқда. Даромад ҳам шунга яраша. Корхона жамоаси 2002 йилни 30 миллион сўмлик соф фойда билан якунламоқда.

ри Тошкентдаги 110-мактабга компьютер хонаси ҳадя қилган. У мактабнинг ўқувчи ва ўқитувчилари билан ҳам учрашади. Музокарада бундай алоқаларни янада ривожлантириш зарурлиги таъкидланди.

Кўплаб масалаларга ойдинлик киритилган самарали музокаралардан кейин Ўзбекистон ва Украина ҳукуматлари ўртасида дори-дармонни қайд қилишни ўзаро эътироф этиш ҳамда ташқи сибсат маҳкамаларининг ҳамкорлиги ва фаолиятини мувофиқлаштиришга қаратилган битимлар имзоланди.

Шундан кейин бўлиб ўтган матбуот анжуманида президентлар ўзаро мулоқотлардан тўла қониқиш ҳосил қилганини, қўрилган барча масалалар бўйича фикрлар бир жойдан чиқганини таъкидлади. Леонид Кучма Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий барқарорликка, иқтисодий ислохотларга юқори баҳо берди. Ўзбекистонда юздан ортмиқ миллат вакиллари тотув яшамоқда.

Маълумки, МДХнинг навбатдаги саммити Украинада бўлади. Президентлар ушбу тузилма фаолиятини ривожлантириш борасида ҳам яқдил эканини маълум қилди. Уларнинг фикрича, Украина саммитида қутулган натижаларга эришилса, Хамдўстлик ривожланишининг янги палласига қиради. Бу ерда гап, хусусан, Эркин савдо зонаси тўғрисидаги шартноманинг амалга оширилиши хусусида кетмоқда. 1994 йили имзоланган мазкур ҳужжат бир неча йил ратификация қилинмай келди, кейинроқ кўпчилик розилик берганда эса, «имтиёзлар қўлланмай» диган айрим товарлар рўйхати ҳақидаги гап-сўзлар пайдо бўлди. Ваҳоланки, шартнома кучга кирса, МДХ жойлашган ҳудудда бошқа минтақавий ташкилотлар тузишга ҳолат қолмаган бўлар эди.

Шу билан Украина Президенти Леонид Кучма ташрифнинг расмий қисми ниҳоясига етди.

Анвар БОБОЕВ, ЎЗА мухбири.

## Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз

Жорий йилнинг 18-25 октябрида Малта давлатида «Эртсемейкер XXI» йўналиши бўйича голибларга мукофотлар тақдими бўлиб ўтди. «Махсулот сифати ва самарадорлигини ошириш учун» номинацияси бўйича Андижон вилояти Жалақудук туманидаги Сўфиқиллоқ пахта тозалаш хиссадорлик жамияти нуфузли мукофотга сазовор бўлди.

Корхона раҳбари Авазбек Маниёзов Малтада ўтказилган тантаналарда иштирок этиб, «Рицарлар биллури» деб номланган совринни олиб қайтди. Юсак мукофот мамлакатимизда етиштирилган пахта толаси сифатига берилган катта баҳо ва унинг халқаро андозаларга мос эканлигини

929 миллион 754 минг сўмни ташкил этди. Олинган соф фойда 16 миллион 125 минг сўмга тўғри келди ва акциядорларга 16 миллион сўм дивидент ҳисобланди.

Завод раҳбариятининг ташкилотчилиги ва тадбиркорлиги туфайли қисқа муддатда янги технология ўзлаштирилди. УХК русумли икки

бўлади. Шу боис, ишчиларга дивидентлардан ташқари 2 миллион сўм мукофот пуллари тарқатилди.

Корхонанинг қуритиш-тозалаш, тойлаш, линтеллаш цехларида меҳнат мароми уюшқоқлик билан давом этмоқда. Акбаржон Музаев, Маҳкамбой Холмиров, Яхё Тўйчиев, Абдишариф Ҳабибуллаев, Олимжон Йўлдошев, Роза Холбова, Алишер Хайитмирзаевнинг астойдил меҳнати ўз самарасини бермоқда.

Ходимларни ижтимоий ҳимоялашга эътибор кучайтирилган. Ишчиларга бепул

## РИЦАРЛАР БИЛЛУРИ — ЖАЛАҚУДУҚДА

кўрсатувчи белгидир.

— Биздан ташқари, кўриқда Россия, Беларус, Литва давлатларининг биттадан саноят корхоналари ҳам тақдирланди, — дейди жамият раиси. — Бу оддий танлов иқтисодий ислохотларга юқори баҳо берди.

Сўфиқиллоқ пахта тозалаш корхонаси вилоятидаги иқтисодий юқалиб бораётган хиссадорлик жамиятларидан бири. 470 нафардан ортмиқ ишчи-хизматчи, инженер-техник ходим ишлаган меҳнат жамоаси муштарилик йилларида ривожланишнинг ойдин йўлига ўтиб олди. Завод 1997 йилдан бошлаб қисқа технология асосида иш қуритаяпти.

Мавжуд машина ва механизмлар қуввати оширилганлиги, ишчи куларидан самарали фойдаланилаётганлиги муваффақият келтирмоқда.

Бултур 25 минг тонна пахта қайта ишланиб, умумий даромад 1 миллиард

батареяли замонавий тозалаш машинаси, тола ажратувчи 2 та 5ДП-130 агрегати ўрнатилди.

— Жорий этилган технология тола сифатини яхшилаш ва меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берди, — дейди биз билан суҳбатда бош муҳандис Мавлон Умаров. — Машина-механизмлар тўла қувват билан ишлаяпти. Корхонада 996 минг 700 киловатт соат электр энергияси тежади.

Ўтган ўн бир ойда 21 минг 370 тонна пахтадан 7066 тонна қимматбаҳо хомашё олинди. Тола чиқиси 33,10 фоизни ташкил этди.

Тайёр махсулотнинг 5,5 минг тоннаси Швейцария, Австрия, Корея, Англия, Белгия, Хитой, Россия, Латвия сингари чет мамлакатларга экспорт қилинди. Ва энг муҳими, хоржий миқозлардан хомашё сифати бўйича эътирозлар тушгани йўқ.

Бу йил тармоқда 2,5 миллиард сўм даромад олиш режалаштирилган. Шунинг 30 миллион сўми соф фойда

тушлик, сут ва сут махсулотлари тарқатилаяпти. Улар тўлиқ тибибий кўриқдан ўтказилди. Физиотерапия хонаси ишлаб турибди. Жамоа шартномасининг бандма-банд бажарилиши қатъий назоратда.

Техника ҳавфсизлиги муҳандиси Абдунаби Бакировнинг таъкидлашича, барча цехлар, дастгоҳлар, кичик механизация воситалари қайта таъмирланиб, техник ҳолати яхшиланди. Чанг сўрувчи ва ушловчи қурilmалар, шовкиннинг олдини олиш, ёритиш, иш жойларининг санитария ҳолати талаб даражасида.

Хозирги кунга ҳодимларнинг бепул иссиқ овқатига 2 миллион 170 минг, махсул кийим-кечаклар ва химоя воситалари олиш учун 1 миллион 321 минг сўм, зарарли иш жойларида меҳнат қилаётганларнинг ижтимоий ҳимоясига 677 минг сўм маблағ сарфланди.

Н.ТИЛАЕВ.

## ДАВРА СУҲБАТИ

Ногиронларни реабилитация қилиш миллий марказида БМТ Ривожланиш дастурининг «Ривожланиш максадларида кўмаклашиш» лойиҳаси доирасида «XXI асрда инсон ривожланиши концепцияси» мавзуйида давра суҳбати ўтказилди. Унда вазирлик ва идоралар, халқаро инсонларварлик миссиялари, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, мутахассислар - реабилитологлар, шифокорлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбир жамоатчилик эътиборини аҳолининг бу гуруҳи дуч келаётган муаммоларга қаратиш, марказни тармоқ ва глобал реабилитация дастурларига қиритиш, бу борадаги ишларни сифат жиҳатдан янги бос-

қичга қўтаришга қаратилди. Марказ Инсон ривожланиши миллий тармоғига қиритилди. Бу эса кўнгилларни, айниқса ижтимоий ишлар ва ногиронларни психологик реабилитация қилиш билан шуғулланувчиларни жалб этди. Бу аҳолининг мазкур гуруҳи билан шуғулланувчи ташкилотлар билан алоқаларни йўлга қўйиш имконини беради.

Давра суҳбатида ногиронлар реабилитацияси, ижтимоий мослашуви ва касбухона тарғиб борадида мавжуд муаммолар муҳокама этилди.

Тадбир якунида реабилитация маркази томонидан иқтидорли ногирон болалар иштирокида ташкил этилган концерт дастури намойиш этилди.

Навбахор тумани маркази - Бешрабод кўрғониди «Жасур» кичик корхонаси иш бошлаганига кўп бўлгани йўқ. Шунга қарамай, бу ерда ишлаб чиқарилаётган

## «ЖАСУР» ХАРИДОР НАЗАРИГА ТУШДИ

махсулотлар эл назари-га тушди.

Туман аҳолиси, қури-

лиш ташкилотлари эшик, дераза, дарвоза, сандиқ, панжара каби

буюмларни буюртма асосида шу ердан харид қилмоқда. Даромад ҳам шунга яраша. Корхона жамоаси 2002 йилни 30 миллион сўмлик соф фойда билан якунламоқда.

Тошлоқ туманидаги «Садда» ишлаб чиқариш фирмасида тибибёт тармоқларида талаб катта бўлган жарроҳлик иплари ишлаб чиқарилмоқда. Маҳаллий хомашёдан тайёрланаётган ушбу

## «САДДА» МУТАХАССИСЛАРГА МАНЗУР

махсулот мутахассислар томонидан юқори баҳоланди. Янги тармоқ ишга тушиши натижасида 38 нафар маҳаллий йигит-қиз иш ўрнига эга бўлди. Йилга 7 миллион погон метр жарроҳлик иплари ишлаб чиқариш қуввати-га эга бўлган корхонада тез орада атлас тўқич ҳам йўлга қўйилади.

## Таассуф НОИНСОФ ТАДБИРКОРЛАР

Янги йил арафасида савдо дўконлари ва бозорларимизда болаларга аталган совға-саломлар кўпайиб қолади. Бу табиий, албатта. Аммо шундай дамларда болалар қизиқувчанлигидан фойдаланиб, мўмай даромад ишлаб қолиш пайида бўлган ноинсоф кимсалар ҳам гўмирлаб қолиши сир эмас.

Тошкент вилояти божхона бошқармаси ходимлари кейинги бир ой мобайнида 25 минг 411 дона ана шундай тақиқланган, одамлар тинчлигини бузаётган, соғлиғига зиён етказайтган пиротехника воситалари - «пақилдоқ»ларни мамлакатимиз ҳудуди-га киритилаётганида ушлаб қолди.

«Пақилдоқ»и билан божхона постини четлаб ўтиш-

га уринган «тадбиркор»лардан бири Тошкент шаҳрида яшовчи Дилмурод Йўлдошев бўлиб чиқди. У ўз бошқарувидаги автоуловда айланма йўл орқали Жанубий Қозоғистондан нақд 145 минг сўмлик пиротехника олиб ўтаетганида ушланди. Яна бир автоулов эгаси Хусниддин Алимов ҳам 210 минг сўмлик «пақилдоқ»и билан қўлга тушди.

- Афсуски, қўрилаётган

чора-тадбирларга қарамай, пиротехника воситаларини ноқонуний олиб ўтиш ҳолатлари ҳамон учраб турибди, — дейди вилоят божхона бошқармаси бўлим бошлиғи, божхона хизмати капитани Эсонмурот Аннаев. — Ваҳоланки, бундай воситаларни ишлаб чиқариш ва сотиш Хитойнинг ўзида ҳам тақиқланган бўлиб, улар асосан яширин цехларда тайёрланар экан.

Н.ДУШАЕВ, ЎЗА мухбири

## Хуқуқимизни билайлик, уни ҳимоя қила олайлик

Маълумки, банклар хизмат кўрсатувчи тармоқлар сирасига кириб, миқдор билан ўзаро шартнома асосида фаолият қуритади.

Жиззах туманидаги «Омон ота» фермер хўжалиги раҳбари Е.Исоқов ҳам «Тадбиркор банкнинг «Учтепа» бўлими билан 1999 йил 5 январиди 107-сонли «Хисоб варағи шартномаси» тузганида роса қувонган эди. Лекин...

Мазкур шартноманинг 5-бандида томонлар жавобгарлиги белгиланган бўлса-да, нима учундир банк айби билан нотўғри чиқарилган маблағлар учун жавобгарлик белги-ланмаганди. Бунинг боисини Е.Исоқов кейинчалик аниқлади.

Банк бўлими 2001 йил 30 август куни «Омон ота» фермер хўжалиги хисоб рақамидан 164.729 сўм пул маблағини ҳеч бир асосиз равишда мемориал ордер билан олиб қўйди. Бунга асос қилиб банк маъмурияти Жиззах вилоят Марказий банк Бош бошқармасининг хати — «Фойдаланилмай қолган маблағ қайтарилганини» билдирди.

## ФЕРМЕР ҲАҚИ УНДИРИБ БЕРИЛДИ

Бунга қарангки, вилоят Марказий банк бошқаруви ўз хатида фермер хисоб рақамидидаги ўз йўналиши бўйича вақтида ишлатилмай қолган маблағлар 2001 йил 3 сентябр куни қайтариш шартин билан бошқармага жўнатилишини талаб қилган. Лекин «Тадбиркор-банк» туман бўлими томонидан ноқонуний олинган суммани мuddатда қайтаришга шийилмади. Бунинг устига банк та-

лаб қилинган суммани тайёрловчи — пахта тозалаш корхонаси хисобидан эмас, фермер хўжалиги хисоб рақамидан қайчириб жўнатади. Бу пайтда «Омон ота» фермер хўжалиги тайёрловчи идорадан

нуний ушлаб қолиш, қайтариб беришдан бош тортиш, бошқача тарзда кечиктириш ёхуд асосиз олиш натижасида ундан фойдаланганлик учун ушбу суммага фоиз туланиш

кўзда тутилади. Суд шундан келиб чиқиб, 32.950 сўм устама фоиз, жами 197.679 сўм пулни «Тадбиркор банк»нинг «Учтепа» бўлимидан «Омон ота» фермер хўжалиги фойдасига ундириб берди. Абдувоҳид ТАВБАЕВ, Жиззах вилоят хўжалик судининг судьяси. Абдуманноп АЗИМОВ, «Ишонч» мухбири.





ДУШАНБА, 23

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

Телетомошабинлар диққатига! «Ўзбекистон» телеканали 23 декабр кун...

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр» Тонгги.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТВда сериал: «23,5 даражали бурчак остида».

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

Биринчи канал 7.30 - 9.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНЕСИ 17.20-17.50

СЕШАНБА, 24

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00 - 8.35 «Ахборот».

қисм. 2. «Олтин тож». Телевизион ўйин.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТВда сериал: «23,5 даражали бурчак остида».

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

Биринчи канал 7.30-9.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНЕСИ 17.20-17.50

ЧОРШАНБА, 25

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00 - 8.35 «Ахборот».

ПАЙШАНБА, 26

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».

19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТВда сериал: «23,5 даражали бурчак остида».

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

Биринчи канал 7.30-9.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНЕСИ 17.20-17.50

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

Биринчи канал 7.30-9.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНЕСИ 17.20-17.50

11.30 «Озода бўлса шахринг». 11.50, 14.30 ТВ клип.

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00 - 8.35 «Ахборот».

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00 - 8.35 «Ахборот».

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».

ЖУМА, 27

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00 - 8.35 «Ахборот».

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00 - 8.35 «Ахборот».

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

Биринчи канал 7.30-9.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНЕСИ 17.20-17.50

ШАНБА, 28

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

Биринчи канал 7.30-9.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНЕСИ 17.20-17.50

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

Биринчи канал 7.30-9.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНЕСИ 17.20-17.50

17.55 «Музик холл». 18.15 «Хазил кетидан хазил».

ЯҚШАНБА, 29

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.40 «Ахборот».

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».



**Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури-амалда**  
**«ЎЗБЕК-НЕМИС»**  
**ЛОЙИХАСИ АСОСИДА**

**Бугунги кунда ёшларимизнинг етарлича билим олишлари учун барча шароит мавжуд. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг ишлаб чиқиши асосида бошланган сай-ҳаракатларнинг натижаси ўлароқ, олий ўқув юртлири, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва мактабларда ушбу дастурнинг моҳияти, йўналиши ўз аксини топмоқда.**

Вазирлар Маҳкама-сининг қарорига биноан ташкил этилган Тошкент Туризм касб-хунар коллежида етти йўналиш - туризм, меҳмонхона хўжалиги, ресторан иши, бухгалтерия ҳисоби, ҳуқуқшунослик каби йўналишлар бўйича мутахассислар тайёрланади. Коллежда амалиётга ҳам катта эътибор берилди. Хусусан, эстетика ва услуб уйғунлиги режалаштирилган ҳолда меҳмонхоналарда машғуллар олиб борилади. Соҳа бўйича иш жараёнлари устида кузатувлар ўтказилади.

зорга бордилар ва зарур маҳсулотларни харид қилиб, коллеж учун тушликка миллий ва европача таомларни тайёрладилар. Бундан ташқари «Ўзбек-Немис» лойиҳасига кирувчи икки нафар эксперт лойиҳа асосида ишлаб чиқарилган ўқув дастурига ўзларининг тажрибаларини киритиб, унинг сифат даражаси яхшиланишига замин яратдилар. Коллеж кутубхонасида мутахассисликка оид кўпгина китоблар мавжуд. Янги ўқув йили учун мутахассислик бўйича яна кўплаб китоб ва дарсликлар келтирилди. Уларда хизмат кўрсатиш соҳасининг жаҳон стандартларига жавоб бериш даражасига етказиш йўли, услублари белгиланган. Ушбу китоб ва дарсликлар асосан хорижий давлатлардан келтирилган бўлиб, талабаларнинг билим олишларига ёрдам беради. Уларнинг маънан ва жисмонан соғлом бўлишлари учун экология ва туризм, спорт тўғрисидаги фаолият кўрсатмоқда. Спорт турлари бўйича мусобақалар мунтазам ўтказилмоқда.

«КЕМПО» — ҚҮЛ ЖАНГИ

Мамлакатимизда ёш авлодни ҳар томонлама камол топтириш, улар орасида спортни янада оммавийлаштириш мақсадида турли спорт мусобақалари, турнирлар ташкил этилмоқда, - деди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг раиси Ботир Убайдуллаев «Туркистон-пресс» мухбирига. - Уларнинг жисмоний тарбия билан шуғулланишлари учун қулай шарт-шароитлар туғдириб берилмоқда. Федерация раҳбариятининг таъкидлашича, спортнинг бу тури Ўзбекистонда яхши йўлга қўйилган. Ун йилда ба-жарилиши режалаштирилган ишларни ўзбек мураббийлари икки йилдаёқ амалга оширган. Ёшларимиз кўрсатаётган натижалар Япония «Кемпо» федерацияси президенти ва бошқа меҳмонларни қувонтирди.

Мазкур спорт тури тангага жароҳат етказмаслиги билан ажралиб туради.

**Насиба МАХМУДОВА,**  
**Ўзбекистон Миллий университети талабаси.**

**Кириб келаётган Янги йилнинг «Обод маҳалла йили» деб эълон қилиниши халқимизни гоятда руҳлантириб, юртимизнинг янада кўркам, обод бўлишига кенг имкониятлар яратди.**

Ватан маҳалладан бошланади, деб бежизга айтилмайди. Қарши туманида бўлганимизда бунга яна бир қарра ишонч ҳосил қилдик. Дарвоқе, туманда 176 минг нафар аҳоли истиқомат қилиб, улар 40 та маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинларига бири-лашган. Бешкент шаҳридаги «Наврўз», «Навбахор», Собир Раҳимов номи маҳаллаларда олиб борилаётган ишлар, айниқса, ибратлидир. Маҳалла оқсоқоллари Эргаш Тувликов, Раҳмон Лутфиев, Ширингул Алиевлар ободонлаштириш, кекса ва ногиронлар ҳолидан хабар олиш, кам таъминланган оилаларга моддий кўмак кўрсатиш каби улук ва савобли ишларни амалга оширишда бош-қош бўлмоқдалар.

Республика Конституцияси тарғибот-ташвиқот қилиш юзасидан ўтказилган «Энг фаол маҳалла» кўриктанловининг туман босқичида муваффақиятли қатнашиб, вилоят босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритган маҳалла аҳли фахрли ўринни эгаллади. «Энг ибратли оила» танловида голиб чиққан Рустам Жўраевлар хонадони фуқаролар йиғинидаги кўпчиликлари бўладиган оилалардан. Етти киши яшайдиган ушбу хонадон ўзига тўқ оилаларда ҳисобланади. Са-

барча аъзолари меҳнатсевар. Ошқўк, помидор, пивёз, сабзи, шолғом, қарам сингари резаворлар томорқада етиштирилади. Лимон эса янги йил учун соға сифатида мактаб ва боғчага топширилади.

Маҳалла аҳли кексалар дуосини олиб яшамоқдалар. 92 ёшли Холмурод бобо Рўзиев, пиру бадавлат отахонлардан ҳисобланган Араб бобо Абураҳмоновлар оиласи кўпларга ўрнак.

**Маҳалланг — отанг, онанг!**



Маҳалланг тинч - сен тинч, - дейди Араб бобо. - 7 нафар фарзандим, 15 дан ортиқ неваларим қуршовида рафиқам Ризвон буви Узқоова билан бахти бекам ҳаёт кечираялмиз. Оиламиз, маҳалламизнинг тинч-тотув-

инспектори, милиция майори Насриддин Сафаровлар аҳоли ўртасида осойишталик, тотувлик ва ҳамжихатликни таъминлаш учун бор имкониятлардан фойдаланмоқдалар.

Барча маҳаллаларда аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилувчи дўконлар ишлаб турибди. Сартарошхона, этикдўзлик, телерадио устaxonалари аҳоли хизматида. Янги йилдан бошлаб маҳаллаларни янада обод қилиш дастурлари ишлаб чиқилмоқда. Турли дарахт кўчатлари ўтказилиб, замонавий маҳалла гузарлари ташкил этиш учун ҳозирдан пухта тайёргарлик кўриляпти.

**ТАРБИЯ ЎЧОҒИ**

Баба аён: қандай меҳнат қилишни билишади. Томорқада барча ноз-неъматлар етиштирилади. Уч сотих ердаги иссиқхонада қишин-ёзин сархил мевалар етиштирилиб, мўмайгина даромад олинапти.

лиги ҳамжихатлигимизда, деб биламан. Энг қувончлиси, одамларимиз бир-бирлари билан аҳил ва иноқ. Ҳамжихатлик бор жойда хотиржамлик, ободончилик бўлади. Ўртбошимиз кириб келаётган йили «Обод маҳалла йили» деб эълон қилганликларни биз кексалар кўнгилни тоғдек кўтарди. Ҳамтенгларим билан маснавланиб, маҳалла ва хиб-бонларни янада кўркамлаштириш учун бор куч-ғайратимизни ишга солишга аҳд қилдик. Уйлайманки, ёшларимиз ҳам бизга эргашади.


Кези келганда, тумандаги маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари осойиш-

**ФОТОСУРАТ - КҮЗ БИЛАН ИДРОК ЭТИЛГАН ШЕЪРИЯТ**

Санъатнинг сеҳри шунчалик буюкки, инсон қалбини беихтиёр жунбушга келтиради, ларзага солади. Яхши санъат асарни қаршисида одам соатлаб туриб, ўз кечинмаларини онда қайтадан муҳрлайди.

Поитахтимиздаги замонавий санъат марказида Ўзбекистон Бадий Академияси ташаббуси билан ташкиллаштирилган япониялик таниқли фотосуратчи Дайсаку Икеданинг фотокўргазмаси бўлиб ўтди. Кўргазмага ташриф буюрганлар Д.Икеданинг нафақат сураткаш, балки ёзувчи, файласуф, шоир ва педагог сифатидаги қирраларини ҳам кашф этдилар.

ерда ўзгача экан. Ўзбекистонда кўрганларим ҳеч қачон хотирамдан ўчмайди. Дарҳақиқат, муаллиф фотокўргазмасидан ўрин олган расмларни кўздан кечирар экансиз, сураткашнинг «Табиат билан мулоқоти»ни дил-дилдан сезасиз.



**Санъат**

Рене Гуйч, бадий танқидчи, Франция ака-

**Биласизми?**

**МИЛОДИЙМИ ЁКИ ҲИЖРИЙ**

Биз кўпинча милодий ва ҳижрий тақвимлардаги фасллар ва ойлар орасидаги фарқларни, уларнинг келиб чиқиш тарихини билишга қизиқамиз.

Ҳозир амалдаги тақвим милодий деб юритилади. Бу сўзнинг арабча маъноси «туғилиш» демакдир («Милодий» сўзини гоҳ «Милодий», гоҳ «Мелодий» ёзиб келишяпти).

Бу календар бўйича йил 365 кундан иборатдир. Чоракча ошиқ кун ҳам бор. Улар ҳар тўрт йилда қўшилиб, бир кунни ташкил этади ва ўша йил 366 кун бўлади.

Бу йил арабча калбиса, яъни тугал йил дейилади. Қайси йиллар рақами бекасиртўртга бўлинса, ўша йил кабиса бўлаверади. «Ҳижрий» сўзи «кўчиш» дегани. Ҳижрий тақвим милодий 622-йилдан бошланган. Бошқача айтганда, ҳижрийга бир ёш тўлганда милодий 623га кирганди.

Ҳижрий календар йили 354 кундан иборат. Бундан ҳам 4 йилда бир кун ошиқ, яъни унда 355 кун бўлади. Милодийдаги ҳар йилги ошиқ 11 кун қўшила бориб, ҳар 32 йилда бир йилни ташкил йил, Ҳижрийгача 33 йил бўлади. Ҳижрий тақвим янги бир кашфиёт эмас. Унга шунга мавжуд бўлган ийой календар асос қилиб олинган.

**А. АЛИЕВ.**

**Фарғона вилоятининг Ўзбекистон туманидаги Яққатут қишлоғида «Умид» фермер хўжалиги фаолият юритади. Уни тадбиркор Имомали Назаров бошқаради. Бугунги кунда бу ерда 60 нафар киши меҳнат қилади. Исроилдан келтирилган минни сут заводидида ишлаб чиқарилаётган сарийё, пишлок, қаймоқ, кефир каби қадокланган маҳсулотлар эса харидорлиги билан ажралиб туради. Бу маҳсулотлар тумандаги 300 дан ортиқ болалар богчаси, шифохона, мурувват уйларига тарқатилади. Ишчиларнинг ўртача ойлик маоши 45000 сўмни ташкил этади.**

Хўжалик фермер хўжаликлари ва тадбиркорлар ўртасида ўтказилган «Ташаббус-2000» республика кўрик-танловининг голиби. Юқорида келтирилган ўтган маълумотлар фермер хўжалиги фаолиятининг бир бўлаги ҳолос.

Хўжа қилмоқчи бўлганимиз фермер хўжалигининг ютуқ ва муаммоларини эмас, балки бу ерда ташкил этилган «Умид-Н.И» болалар спорт клуби фаолияти ҳақида.

Президентимизнинг мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш

**ҚИШЛОҚДА**  
**БОЛАЛАР СПОРТ КЛУБИ**

ҳақидаги фармони биз учун аини мудоао бўлди, - дейди фермер хўжалиги ҳуқуқшуноси Нозимжон Тошматов сўхбатда. - Спорт клубимиз хусусий бўлиб, мураббийлар фермер хўжалиги томонидан маош билан таъминланади. Аини кунларда 150 нафардан зиёд қишлоқ болалари бу ерда спортнинг каратэ, бокс, дзюдо, футбол, волей-

бол каби турлари билан мунтазам шуғулланишяпти. Ҳозирча 18- ўрта мактабнинг спорт залидан фойдаланиб турибмиз. Яқинда спорт клуби учун 12 миллион сўмга алоҳида бино сойтиб олдик. Тез кунда ўз спорт залимизга эга бўламиз. Қилган ишларимиз ўз мевасини бермоқда.

Дарҳақиқат, спорт клубининг Маъмур Эҳсонов мураббийлик қилаётган дзюдочилари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган 1985-86 йилларда тузилган болалар ўртасидаги республика биринчилигида муваффақиятли иштироқ этди. Унда Очилдиев, Эргашева, Ботиралиева, Шайхудинова, Холиқов кабилар юқори натижаларга эришдилар. Каратэчилар ҳам ўз мураббийлари Фахриддин Мирзаев

**Ибрат**

рахбарлигида машқларга зўр берган. Бу ерда 45 нафар ёш мунтазам шуғулланмоқда.

Ёшларда боксчилар тўғралиги қизиқчи жуда кучли. Сабаби бу ерда ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони Азиз Раҳмонов тез-тез келиб туради. У клубнинг аъзоси. Фермер хўжалиги унинг Фарғона Давлат университетида ўқиш мобайнидаги сарф-харажатлар учун 200000 сўм стипендия ажратган ҳамда 2-хонали уй олиб берган.

Келажақда бу ердан кучли боксчилар чиқса ажабмас, - дейди мураббий. - Чунки хўжалик раҳбари бизга яхши шароит яратиб берапти. Ёш бокс-

чилар И.Рустамов, Э. Акбаров, А.Ахоров, Д.Собировлардан умидимиз катта.

«Нима эксанг, шуни ўрасан» дейди доно халқимиз. Болалар спортини учун маблағларини аяман бундай фермер хўжаликлари қанча-кўп бўлса, шунча яхши. Зотан, бу хайрли ишлар бир кун келиб ўз мевасини бериши, шубҳасиз.

**А. ЮНУСОВ,**  
**«Ишонч» мухбири.**

**ISHONCH**

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

МУАССИС:

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Таҳрир хайъати:

Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари) «Ишонч-Доверие», Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:

Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00  
 Топширилди 00.40

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Оффсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 боёма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.